

етиў, бир-бирин байытыў жолы менен раўажланып келди. Сол себепли қарақалпақ халқының эпослық дәрегіўшилигинде туўысқан қонсы халықлардың эпослық дәрегіўшилигинде улыўмалық элементлер, улыўмалық мотивлер, сюжетлер, образлардан жақынлығы хәм басқада уқсас тәреплериниң бар екенлигин жумысымыз барысында үйрениўге ҳәркет еттик.

Әдебиятлар

1. Потапов Л.П. Героический эпос алтайцев. // «Советская этнография» 1949, №1, -С. 132.
2. Эшонқулов Ж. Миф ва бадий тафаккур. Ўз.Р. фанлар академияси «фан» нашриёти. –Тошкент: 2019, 86-б.
3. Қарақалпақ фольклоры көп томлық. VIII том.-Нөкис: «Қарақалпақстан», 1981, 18-21-б.
4. Батырлар жыры. –Алматы: «Қазақстан мәмлекетлик көркем әдебет», 1959, 11- б.
5. Сағытов И.Т. Қарақалпақ халқының қаҳарманлық эпосы. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1986, 179-б.
6. Алпомиш достони. –Тошкент: «Ёзувчи», 1988, 7-10-11-б. Айтувчи: Хушбоқ Марданқул уғлы.
7. Қоблан, қарақалпақ фольклоры, VIII том. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1981, 22-б.
8. Фатых Урманчи. Тюркский героический эпос. -Казань: 2015, 20-б.
9. Алпамыс. Қарақалпақ фольклоры көп томлық. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 2007, 52-б.
10. Алпомиш достони. Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти 1988.114-115. б. Айтувчи: Хушбоқ Марданқул уғлы.
11. Алпамыс. Батырлар жыры көп томлық. – Алматы: 1959, 203-б.
12. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: «Ўқитувчи» 1990.
- 13.Қоблан. дәстаны VIIIтом. Есемуратжыраў Нурабуллаев варианты. –Нөкис: 1981, 24-25-б.
14. Мәпмтша дәстаны. X том. Қыяс жыраў варианты. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1982, 27-б.
15. Алламбергенов К. Қарақалпақ халық дәстаны «Едиге». –Нөкис: «Билим», 1995, 181-б.
16. Идгәй. Татар халқ дастаны: төзүче-мөхәррире Гыйльманов Г. –Казань: 1994, 98-99-б.
17. «Едиге» дәстаны. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1990, 210-211-б.
18. Алламбергенов К. «Ер Едиге, «Едиге» дәстаны алтын Орда хәм маўараўннахр дәўри тарийхының гейпара мәселелери. – Нөкис: «Билим» 2017, 103-б.

РЕЗЮМЕ

Қарақалпақ халқ достонлариниң поэтик тузилишида мифологик мотивларнинг ажиралмос даражада шакланиши ва унинг сабабларини урганиш. Мифологик мотивлариниң достон сюжетида типологик ва бадий жиҳатдан яқинлигини қиёсий таҳлил қилиш.

РЕЗЮМЕ

Статья рассматривает проблемы взаимосвязанностей поэтической структуры и мифических мотивов в народных эпосах каракалпакских и в сравнительной основе изучает их типологические и художественные подающиеся стороны.

SUMMARY

The article deals with the reasons of occurring of mythical motives in the karakalpak folk eposes. The authors reveals the typological and artistic familiarities in the plots of the epos.

ШАХС ФОЖИАСИ ТАЛҚИНИДА БЕГОНАЛАШУВ МАСАЛАСИ

Х.Хамракулова - филология фанлари доктори

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети

Таянч сўзлар: инсон руҳияти, тафаккурдаги эврилиш, ҳаёт ва ўлим муаммоси, шахс фожиаси, экзистенциал адабиёт, адабиётда бегоналашув масаласи.

Ключевые слова: человеческая психика, эволюция мышления, проблема жизни и смерти, трагедия личности, экзистенциальная литература, вопрос отчуждения в литературе.

Key words: human mind, cognitive evolution, life and death problem, personality tragedy, existential literature, alienation in literature.

Инсон руҳияти тасвиридаги хилма-хиллик тафаккурнинг чегара билмаслигига далолатдир. Ана шундай турфа чизгиларда инсон деган номнинг улуглиги кўзга ташланаверади. Бадий асарнинг маркази ўлароқ тасвирга тортилган персонаж ўзгалар билан, кўп ҳолда ўзидан бегоналашуви уни кўпроқ тафаккур одамига, ўйчил инсонга айлантиради. Албатта, инсоннинг жамиятдан, яқинларидан, ҳатто ўзидан бегоналашуви унинг мавжуд эканлигини такозо қилади. Персонаж қисмати шу тарзда талқин қилувчи айрим асарларда ўлим мотиви қаҳрамон мавжудлигини тасдиқлашнинг ўзига хос усули ҳисобланади. Бундай ҳол жаҳон адабиёти намуналарида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Р.Тхокурнинг “Ўликми, тирик” ҳикояси қаҳрамони Кадоминининг бошига тушган кўргуликлар ўз тириклигини ўлими билан исбот қилиши ўлароқ яқун топади. Адиб ижодида ўлим мавзусининг бот-бот тилга олинishi унинг шахсий ҳаётидаги айрилиқлар асорати билан боғлиқлиги хусусида Чўлпон “Тағўр кимдир” мақоласида ёзади: “Тағўрга ўлимнинг зарбаси ҳам жуда қаттиқ бўлгон. Шунинг учун унинг асарларида ўлим тўғрисида кўп учратилади. 1885 йилда хотини, ўғли ва кизи ўладир; 1905 йилда кичик ўғли ва отаси ўладир. 1918 да яна бир кизи ўладир [5:63]”. “Фожиани англаш учун одамнинг дунёқараши ва руҳонияти фожиа кўлами даражасида бўлиши керак” [2:118]. Тхокур ижодида ўлим мавзуси асосан ижтимоийлик касб этади ва мавзунини ёритиш орқали миллат тақдирини безовта қилаётган муаммолар ечимини топади. Агар эътибор берилса, таҳлилга тортилган асарларда инсон

мавжудлигида ўлимнинг ўрни қандай деган масала асосий бўлиб қоляпти. Инсон мавжудлиги муаммоси билан шуғулланувчи экзистенциалистлар инсон мавжудлигида ҳаётнинг моҳияти очилмайди, дея унинг сабабини инсоннинг бегоналашуви билан изоҳлайдилар. Ҳозиргача бу бегоналашув уч босқичдан ўтди. Таҳлилга торганимиз персонажлар ҳолати бегоналашувнинг иккинчи ва учинчи босқичига тўғри келади. Яъни фан-техниканинг кучайиши, қачондир ягона бўлган одамзоднинг миллатлар, элатлар ва давлатларга бўлиниб кетиши, натижада инсоннинг ҳам табиатдан, ҳам кишилиқ жамиятидаги ўзаро қардошлик алоқаларидан узилиши; инсон ўзининг ички оламида бегоналашиб қолаётганлиги. Бунинг сабаби инсон ботиний табиатидан айрилиб, фақат зоҳирий табиатга мослашиб қолаётганлигидир. Одамнинг жамиятдан узилиб қолиши унинг ўлимни ихтиёрий тарзда танлашига туртки бўлаётганига мисоллар талайгина. Масалан, япон ёзувчиси Шимада Масахиконинг “Бир мумиё кундалиги [3]” ҳикоясида ўзини ўлишга мажбурлаган ва олтмиш икки кунлик машаққатдан сўнг бошқа ёруғ дунёга сафар қилган қаҳрамоннинг очликда кечирган ҳаёти баён қилинади. Ўлим олди ҳолатлари ўзи томонидан бевосита кузатилган, ҳар бир ўзгариш дафтарига қайд қилиб борилган бу тарздаги асарни ўқиб, инсон ҳар қандай синовга дош бериши мумкинлигини, айни вақтда ҳаёт инсонга омонат қилиб берилган неъмат, унинг шукри учун гўзал амаллар яшаш саодат эканлигини англаймиз. Аммо бу саодатни ҳар ким ўзича тушуниши мумкин эканлиги ҳам айни ҳақиқат. Агар буни япон адиби ўзининг англаш кўлами

даражасида тасвирлар экан бу унинг миллий ва диний эътиқодининг ҳосиласи эканлиги ҳам диққатимиз марказида бўлиши лозим. Дарвоқе, японларда ўзини ўлдириш унчалар фожиа ҳисобланмайди. Уларда сэппуку (ўз-ўзини ўлдириш) бу дунёдаги барча хўрликларни ўчириб юборади, деган ақида билан боғлиқ худкушлик бўлиб, бунда мазмунсиз ҳаётнинг ўлим орқали ижобий томонга ўзгартирилиши назарда тутилади. Кўпинча, ночор кишилар кейинги ҳаётда яхши бир оилада таваллуд топиш истаги билан ўлимнинг мазкур усулини танлайдилар. Япон камикадзеларида худкушлик эса қахрамонлик қилиш истагидан келиб чиқади. Бу ҳақда Саид Аҳмаднинг “Офтоб ойм” ҳикоясидан ҳам билиб оламиз. Япон самурайлари асир тушиш хавфи туғилганда, ўзини харакири қилиб, яъни ўзини чавақлаб ташласалар, камикадзелар (камикадзе – “ўқ одам” дегани) “мамлакат хавф остида қолганда, бир киши сиғадиган ва даҳшатли бомба жойланган самолёт билан душман истеҳкоми томон учурилади. Самолётга фақат учиб боришгагина етадиган ёнилғи қуйилади. Агар учувчи кўрқоклик қилиб, ортга қайтмоқчи бўлса, қайтишга ёнилғи йўқ. Камикадзе душманнинг қурол-яроғ омборига урилиб, ўзи ҳам портлаб кетиши шарт [1:79]”. Шу тарика японларда ўзини ўлдириш ҳам алоҳида сабаблар асосида юзага келади.

Ш.Масахико қахрамони “бу дунё менинг яшашимга арзимас экан”, деган хулосага келар экан, руҳ эркинлигини ихтиёрий ўлим топиш билан исботлашга уринади. “Похол устида узала тушиб ётган нарса ўлик тана эди. Совуқдан беркиниш учун ўраниб олган мумиёни енгил чанг қоплаган, жасад тарашадай қотиб қолганди. Тарс-тарс ёрилиб кетган терисининг очик қолган қисмлари худди тўқ рангдаги чарм этикка ўхшар, кўзлари эса соққаси ичига чўкиб кетгандай қотиб қолган ва қоқ суяк эди. Иягида қуюқ сокол осилиб турар, пастки лабида юпка қуйқа қотиб қолган ва қорни бутунлай ичига кириб кетган эди. Тана парчаланиб кетишдан сақланган ва яхшигина қуриб қолган эди. Чамаси ҳали тирик экан, атайин танани мўмиёланган каби қотиб қолишини осонлаштириш учун у аста-секин оғирлигини камайтириб борган”. Қузатувчининг эътибори майит оёқлари остидаги кундаликка қаратилади. Кундаликда ўлим сабаблари батафсил ёритилган эди. Ёзувчи бир ўринда жасад эгасини ҳеч ким қидирмагани, ҳатто полиция маҳкамасининг йўқолганлар рўйхатида йўқ эканлигини айтиб ўтади. Асар қахрамони шу туришда унутилган ва унинг нима учун ўлишга асос қидирганлигининг сабаби ойдинлашиб боради. Очлик орқали ўз жонига қасд қилган қахрамонга оид белгиларни таҳлил қилиш унда аномистик худкушлик белгиси мавжудлигини кўрсатади. Очликнинг дастлабки кунлари нисбатан осон кечади. Қахрамон сув ичишга, мусиқа тинглашга мойиллик билдиради. Очликнинг ўн биринчи куни Токиодаги ўрта мактабда ўқийдиган учта яқин оғайни ўз-ўзини чўктириб юборганини радиодан эшитади. Бу маълумотда маълум даражада ҳақиқат мавжуд. Чунки япон ёшлари орасида худкушлик юқорида айтганимиздек, асосан, кейинги ҳаётда яхши бир оилада туғилиш истаги билан ҳам боғлиқ. Яна психологларнинг аниқлашича, вояга етмаган ўсмирлар ўз ота-онасини пушаймон қилдириш учун ҳам худкушлик қилади.

Ш.Масахико аста-секин очлик ўз таъсирини кўрсатганлигини, танаси оғирлашиб, сийдиги қон тусига киргани, танаси ўзига бўйсунмаётганини таъкидлаб ўтади. Дастлабки кунларда тушида нон еиши истаги кучайган бўлса, кейинроқ унга ҳам хоҳиш қолмайди. Ошқозони оғрий бошлайди. Бир ўринда қахрамон “диндор бўлмасам-да, лекин дунёдаги кўплаб худоларга хурматим баланд, ахир бирорта худо

қаердадир менга шафқат кўргизиши мумкин”, дея фикр юритади. Қахрамон ўттиз саккизинчи куни “руҳ танадан чиқиш учун катта қувват талаб қилишини англаяпман. Руҳ қувват йиғиш учун гўштимни еб битирмоқда”, – деб ёзади. Тўсатдан ўлимдан кейинги ҳаёт бўлмаса, қийналиб ўлиш керак эмас, дея ҳаёлга боради, аммо ортга қайтишни ҳам истамайди, чунки ҳозирги азоб ортга қайтишдан кўра маънолироқ эди. Шу тарика очликнинг олтинчи иккинчи куни “Ассалом ёруғлик” дея умрини якунлайди. Ҳикоя китобхонга умидсиз инсоннинг бемаъни кечган ҳаёти ўлимни ҳис қилиш орқали маънога эга бўлганини англатади. Асар қахрамони ҳаёти унинг нафақат жамият томонидан, балки ўз табиати томонидан ҳам инкор қилинганга ишора қилади. Дарҳақиқат, инсон мавжудлиги масаласи жамият муаммоси бўлиши мумкинлиги экзистенциалистлар томонидан вақтида қаламга олинган эди. Таҳлил ва талқинлар шуни кўрсатдики, ҳаётда қай даражада умр кечириш, шунингдек, ўлим олди ҳолатлари ҳам унинг аъмолларига боғлаб қўйилади. Аммо Яратган меҳрибон – умид қилганни ноумид қолдирмайди.

Истиклол даври адабиётида инсон тасвири хилма-хил ракурсларда текширилмоқда ва бу шахс психологиясининг воқелик билан мутаносиблигини кузатишда адибларимизга кенг тасвир имконини яратмоқда. Ўзини ўлимга мажбурий тайёрлаш лавҳаси Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Юракдаги из” қиссасида ҳам учрайди. Асар қахрамон Эржигит тилидан “Мен ўлишим керак. Бошқа йўл қолмади [2:5]” деган жумлалар билан бошланади. Қисса давомида Эржигитнинг бедаво касали, омон қолиш илинжидаги уринишлари, ниҳоят, бир оиланинг парокандалигига сабабчи бўлиб қолиши уни руҳан азоблайди ва ўлимдан чора истайди. Агар Ш.Масахико қахрамонида ҳаёт яшашга арзимади деган қараш устиворлик қилса, А.Йўлдошев қахрамони виждон азобида қолганидан ўлимни танлайдики, ҳар икки персонаж қисматида ўлим нажот йўли сифатида тақдим қилинади.

Рухоний оламнинг фусункорлигини акс эттирувчи “Жимжитхонага йўл” (Х.Дўстмуҳаммад) деб номланувчи ҳикоя инсон табиатининг ўзига-да номаълум қирралари ҳақида сўз юритади. Италиялик адиб Дино Буццатининг “Етти қават” ҳикоясига Назира ўлароқ ёзилган асарда исломий ёндашув ва миллийликка алоҳида эътибор берилади. Дино Буццати жамият ва шахс масаласига урғу беради, қахрамонни бино қаватларига дам-бадам қўчирилиши орқали шахс ва жамият муносабатларининг тубанлашиб кетганлиги ва ўлим олдидаги персонажнинг аянчли ҳолатини кўрсатади. Балки бу ҳаёт фақат шу дунёдагина мавжуд, ўлим – якун деган қарашларнинг инъикосидир. Шунинг учун Буццати қахрамонларида мавжуд дунёда қолиш истаги кучли. Адиб қахрамонлари тақдири орқали турли тоифа кишиларининг феъл-атворини, муҳими, ҳар бирининг ўлик ва ўлимга бир хил муносабатини очиб беради.

Буццати қахрамони Жузеппе Кортенинг қаршилик қила-қила ўзи хоҳламагани ўлим оstonасига қелиши асосий мақсад эмас. Ёзувчи жамият ва шахс ўртасидаги тубан муносабатни муаммо даражасига кўтарди ва ўлимни бадий ечим сифатида тақдим қилади. Х.Дўстмуҳаммад талқинида эса шахснинг руҳоний жиҳатлари олдинга чиқади. Ёзувчи анланган ва анланмаган дунёни билишга ўлимни восита қилар экан, шу орқали тириклик моҳиятини очиб беради. Адиб қахрамони ўз хатти-ҳаракати орқали ҳаёт ва ўлим чегараларини бузиб ташлайди. Натижада, кўз ўнгимизда ўлим якун эмас, робита эканлиги ҳақидаги соф исломий талқин ўзининг гўзал ифодасини топади. Х.Дўстмуҳаммаднинг назира-ҳикоясидаги Дино Кортене Буццатининг Жузеппе Кортесидан тубдан фарқ қилади.

Жузеппе Кортэ жамиятнинг шафкатсиз тартибларига исён қилса, Дино Кортэ ўлимга қарши исён қилади. Ўлимни тан олишни истамайди. Унинг акси ўлароқ, Зоҳид Яқин ўлимга тайёр ва уни фожиа деб ҳисобламайди. Икки хил муҳит эгаларининг ўлимга муносабатларида эътиқодлари ҳам жам бўлган. Гарчи ўзбек ёзувчисининг ҳикояси Дино Буццати асарига назира қилинган бўлса ҳам, қаватлар ва қаҳрамонлар номининг ўхшашлигини айтмаганда, мазмун моҳияти ҳамда йўналган мақсадига кўра тамомила фарқ қилувчи мустикал асарлардир. Шу тариқа ҳар икки ёзувчи қаҳрамонлари қисматини касалхонанинг етти қаватига жо бўлган рамзлар воситасида таҳлил қилади, контраст усулидан унумли фойдаланган ҳолда, ўқувчини мушоадага ундовчи манзаралар яратади. Инсоннинг ўлим ва у билан боғлиқ синоатларни билишга интилиши, бир томондан, ўз тақдири ҳақида қайғуриши билан ҳам боғлиқ. Чунки инсон тақдири ҳамиша сирли. Ўлим ўша сирнинг пардасидир. Қачонки парда кўтарилса, инсон тақдиридан бохабар бўлади. Унғача ўша парда – моҳиятни англашга интилаверади. Инсон қайси тузумнинг вакили, қайси ғоянинг ташувчиси бўлмасин, борар манзилдан айро эмас. Бу манзил эса албатта ўлим орқали амалга ошади. “Сизлардан бирор кимса борар жойи қаер эканлигини билмагунча, ўрни жаннатми ё дўзахми эканини кўрмагунча, бу дунёдан кетмайди [6:49]”, дейилади ҳадисларда. Демак, инсон ўз манзилини ўзи тайин қилади. Ўлим алалоқибат махлуққа Холикни тан олдирадиган, унга Яратганни англашиб қўядиган илоҳий ҳодиса. Бунинг учун биргина Мусо алайҳиссалом ва Фиръавн қисматини эслаш kifойадир. Ўлим ортида боқий оламнинг ҳақиқий ажри турибди. Ажр учун мана шу дунёда пойдевор қўйилади. Шунинг учун тақдирнинг ёзуғи бўлмиш ўлим ҳамиша инсониятнинг диққат марказида бўлган. У борлиқдаги ҳар бир соҳани ўз қудрати ила забт этади. Бу бежиз эмас, зотан, ўлимга элтувчи йўлда моҳият акс этган. Моҳият бу – ҳақиқат. Ҳақ йўли эса Чўлпон айтганидек, албатта, бир ўтилгусидир. Бадий адабиёт инсонга ана шу моҳиятни англаштириш жихатидан маёқ вазифасини ўтайди. Буюк трагик асарларни улуғвор қилган омил ҳам ўлим. Ўлим нафакат қаҳрамоннинг асл қиёфасини белгилайди, балки жамиятни, инсониятни туб-тубидан кашф қилади. Ҳикояда инсон табиатининг қизиқ бир жихатига эътибор берилади: инсон бир умр ўлимни кутади, лекин айна дамда йўлиқшини хоҳламайди. Ниҳоят, Жузеппе кутгани, бироқ хоҳламагани биринчи қаватга етиб боради. Дераза қопқаларининг тушиши ўлим онлари етиб келганлигига ишора қилади. Ёзувчи қаҳрамонни қаватлар орасида саросар кездирар экан, шахс ва жамият ўртасидаги тубан муносабатни акс эттиради. Ёзувчи қаҳрамон ўлимининг сабабини ҳам мазкур муносабатдан излайди.

Дино Буццатининг яна бир ҳикояси “Ўликлар нега тирилмайди”да ҳам ўлим, руҳ ва унга жамиятнинг муносабати ёзувчи нигоҳи орқали акс этади. Ёзувчи марҳум скрипкачи Аппашерни бир кеча тириклик оламига қайтариш билан инсоний муносабатларнинг тубанлашиб кетганини аччиқ кулгу остига олади. Кечагина дўстининг дийдорини яна бир бор кўриш учун ҳар қандай вазиятга тайёр дўстлар уни эшигидан қувиб соладилар. Адиб марҳум қаҳрамонини жамиятнинг турли тоифасидаги одамларига йўлиқтиради. Қарангки, уларнинг ҳар бири марҳумга бир хил муносабатда бўлади. Ёзувчи инсониятнинг заиф жихатига, одамзод ҳеч қачон ўлим отлиқ манзилга тайёр бўла олмаглиги, ўлим ва унга боғлиқ ҳодисалар тасаввурдан четда эканлиги, бир сўз билан айтганда, ўлимни дахшат қаби қабул қилишларига ишора қилади. Шунинг учун ҳам адиб “Етти қават” ҳикояси қаҳрамони Кортенинг жамиятга ва шу орқали ўлимга нисбатан исён кўтаришига йўл қўйиб беради. Дино

Буццати учун ўлимнинг нима эканлиги эмас, қаҳрамоннинг ўлимга қандай муносабатда бўлганлиги муҳим. Инсон ва унинг ўлимга муносабати масаласи “Жимжитхонага йўл” ҳикоясида ўзгача сайқал топади. Ҳикояда ўлимнинг Дино Кортэ билан боғлиқ исёнкорона, Зоҳид Яқин билан боғлиқ исломий-руҳий талқини кузатилади.

Дино Кортэ ва Зоҳид Яқин аъмоллари қаватлар орасида сарҳисоб қилинади. Ёзувчи Зоҳид Яқиннинг юқори қаватларга бирма-бир чиқишини, тўртинчи қаватдан олтинчи қаватга кўтарилишини атрофлича изоҳламайди. Аслида Зоҳид Яқиннинг умри олтинчи қаватда ниҳоя топади. Еттинчи қаватда руҳоний манзара акс этади. Зоҳид Яқинга бириктирилган ҳамшираларнинг исми ҳам рамзий маъно касб этади.

Мужоҳида – арабча “ҳаракат қилмоқ”, “бор кучини ишга солмоқ”, Мушоҳида – арабча “бир нарсага гувоҳ бўлмоқ”, “бир нарсага қарамоқ” маъноларини англатади. Мужоҳидлик, мушоҳидлик, шавққа тўлиш, жон-руҳ билан боғлиқ ҳодиса. Ёзувчи инсон руҳияти тасвири олд масала қилиб қўйганлиги учун ҳам рамзларга ишора қилади.

Зиналарнинг ҳар бир пиллапоясида Зоҳид Яқин ҳаёти сарҳисоб бўлади. Бутун кучини ишга солиб юқорига кўтарилаётган паллада Мужоҳиданинг учраши қаҳрамоннинг ўзини мужоҳидга айлантиради. Ёзувчи ҳар бир хонадаги радиога эътибор қаратади. Бу детал қаҳрамонга қуйи қаватларда тез-тез керак бўлгани эслатиб ўтилади. Аммо у олтинчи қаватда қаҳрамонга ортиқ зарур бўлмайди. Чунки, “қулоғига жуда сокин ва жозибадор мусиқа садоси қуйила бошлади”. Ниҳоят, ёзувчи талқинидаги еттинчи қават касалхона билан боғлиқ эмас эди. Бу персонаж тилидан айтилган, фаришталаргагина насиб этадиган қават эди. Адиб Зоҳид Яқиннинг руҳлар оламидаги оний лаҳзалари тасвирида муайян даражада илмий ҳақиқатга асосланади.

Инглиз олими доктор Раймонд Моудининг “Ўлимдан кейинги ҳаёт” асари ўлим ортидаги ҳолат ҳақида маълум тасаввур уйғотади. Олим кўп фактларни ўрганиш натижасида қуйидагиларни аниқлайди:

1. Руҳ содир бўлаётган нарсаларни эшита олади.
2. Осойишталик ва оромни ҳис қилади.
3. Шовқин эшитилади. Бу шовқин ёқимсиз бўлиши ёки мусиқага ўхшаш ёқимли бўлиши ҳам мумкин.
4. Руҳ танадан ажрагач, туннелдан кетиши мумкин.
5. Танадан ташқарида ўзини кузатиши мумкин.
6. Шаффоф зотни ёки ёрқин нурни кўриши мумкин [4:118].

Айтиш мумкинки, Зоҳид яқиннинг ўлимдан кейинги ҳолати ёзувчи томонидан ўйлаб топилган эмас, балки ҳаётий ҳодисанинг бадииятда акс этишидир.

Қ.Йўлдошев “Жимжитхонага йўл” ҳикоясига тўхталар экан, “энг пастки қаватнинг Кортэга қоронғи кўриниши, “Жимжитхонага йўл”да эса Зоҳид Яқинга сўнгги қаватнинг оппоқ нурга буркангандай туюлиши икки хил эътиқод вакилининг ўзига хослигидан келиб чиқадиган жихатлардир. Яъни Кортэ учун бу дунё билан ҳаёт тамом бўлади. Зоҳид Яқин эса энди бошланаяк нурли ва абадий ҳаётдан умид қилади. Бошқача айтганда, Ботиш вакилини ўлим маҳв этади, Чикиш аҳлини ўлим юксалтиради, мақсадга яқинлаштиради [2:111]”, – деб ёзади ва маълум маънода улар эътиқодидаги турфаликка эътибор қаратади.

Бадий адабиётда қаҳрамон ўлими билан боғлиқ талқиннинг ўзгача енгил юмор туғдирувчи ҳолатлари ҳам мавжуд. А.Қаҳҳор ижодидан бошланган бу анъана Саид Аҳмадининг “Сағана” ҳикоясида чўққига кўтарилади. Ҳикоя ҳар қанча кулги уйғотмасин, унда инсонни тафаккур қилишга ундовчи асос – фоний дунёнинг бебақолигини кулги билан тасдиқлаш муҳим. “Ўлик деган ўз иззати билан кафанига ўралиб, тобутда

кимирламай ётгани дуруст бўларкан. Тобут йўлакда, кафан ғассолнинг елкасида. Аммо мурда ҳовлида келган-кетганларга қўл қовуштириб, деразадан патнис узатиб, қўнғил сўраганларга: “Бандалик экан, қандок қилай...” деб юрса, жуда хунук кўринар экан”, деб бошланади ҳикоя. Ана шундан сўнг қаҳрамонга очиқ муносабат билдирилади. Бу муносабат ёзувчининг изоҳи билан навбатма-навбат тўлдириб борилади. Саид Аҳмаднинг ҳикояси гарчи юморга бой бўлса-да, унда инсон табиатига хос иллатлар фош қилиб борилади, чунончи инсоннинг бир умр тирикчилик исканжасида

ўзини ўтга-чўтга уриши ўлим қаршисида арзимас нарсаларга айланиши билан тасдиғини топади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, адабий қаҳрамонни турли синовлар билан тасвирлаш, бадий адабиётга ўлим мотивини дадил олиб кириш инсоннинг икки йўл ораллиғида турганлигини ҳар дамда ҳис қилиши, айни вақтда ҳаёт деб аталмиш улкан неъматни саодат ўлароқ қабул қилиш ва шунга муносиб равишда умр кечириш аслида инсоннинг олий бахти эканлигини англатишдир. Олий бахт мезонини ўзида топган одам учун ўлим кўркинчи эмас, балки саодатдир

Адабиётлар

1. Аҳмад С. Офтоб олим. Қорақўз мажнун. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
2. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.
3. Масахико Ш. Бир мўмий кундалиги (Инглиз тилидан А.Обидов таржимаси) ziyo.uz.com.
4. Моуди Р. Ўлимдан кейинги ҳаёт. – Т.: “Меҳнат”, 1992.
5. Чўлпон. Адабиёт надур. – Т.: “Чўлпон”. 1993.
6. Ғазолий Абу Ҳомид. Ўлимни эслаш китоби. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2004.

РЕЗЮМЕ

Мақсуд мақолада шахс фожиаси талқинида бегоналашув масаласи қай ўринда тургани тадқиқ қилинади. Шундан келиб чиқиб, шахснинг ижтимоий ҳаётда ўрнини йўқотиши кўп ҳолларда фожа билан яқунланиши бадий асарлар учун асос бўлгани кўрсатиб берилган. Шахснинг ўзидан ва жамиятдан бегоналашув кўп ҳолларда уни тафаккур қилувчи инсонга айлантириши, баъзан эса уни фожиавий қўламда акс этишига туртки бўлгани мақола марказига олинган.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется роль отчуждения в интерпретации личной трагедии. Таким образом, было показано, что потеря места в общественной жизни, которая часто заканчивается трагедией, является основой зарождения произведений искусства. В статье акцентируется внимание на том, что отчуждение индивида от самого себя и общества часто превращает его в мыслящего человека, а порой заставляет задуматься в трагических масштабах.

SUMMARY

This article deals with the concept of isolation out in interpretation of individuals tragedy. There by, it is found that losing position in society may lead to tragedy and also one of the main key of creating masterpiece of out. The article focuses on self-alienation concept of individuals, so that society transforms them as thinkers, and sometimes it evokes to think in tragic scale.

ҚАРАҚАЛПАҚ ХӘМ ҚЫРҒЫЗ ПРОЗАСЫНДА ӘДЭБИЙ ТӘСИР ХӘМ ТИПОЛОГИЯ

Ж.О.Каниязова - филология илимлари бойынша философия докторы
Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Таянч сўзлар: ёзувчи, наср, қисса, роман, образ, қаҳрамон, драматизм, психологизм, ретроспекция, композиция, сюжет.

Ключевые слова: писатель, проза, повесть, роман, образ, герой, драматизм, психологизм, ретроспекция, композиция, сюжет.

Key words: writer, prose, story, novel, image, hero, dramatic effect, psychologism, retrospection, composition, plot.

Қырғыз жазыўшысы Ш.Айтматов халық фольклорының эпикалық дәстүрлерин үйренип, прозалық дәретпелери сюжети синдиреди. Соның менен дүнья әдебиятының жаңаша эпикалық образ жаратыў тәжирийбесин өзлистрип, өз дәретіўшилигинде синтезлеп, қырғыз прозасына миллий дәстүрлери ишинде жетилскен жаңаша сўретлеў усылларын алып киреди. Тынымсыз изленислер нәтижесинде жазыўшы дәретіўшилигинде жүзеге келген тек ғана оның стилин белгилейтуғын сўретлеў усыллары қәлиплести хәм өз дәўиринде-ақ түркий халықлары жазыўшылары ушын Ш.Айтматов дәретіўшилиги үйрениў мектебине айланды. «Ш.Айтматов дәстүрлери», «Айтматов сўретлеў усылы», «Ш.Айтматов мектеби» сыяқлы терминлер пайда бола баслады.

Жазыўшы Ш.Сейтов та Ш.Айтматов мектебинен тәлим алғанлығын тастыйықлайды: «70-жыллары Ш.Айтматов дәретіўшилиги лирикалық прозаның мектебине айланды. Ең дәслеп мен де усы мектептен тәлим алдым. Мен Айтматовтан конкретликти, көркем прозада лирикадағы сыяқлы сезимлер аркалы оқыўшылардың ишки дүньясына қозғаў салыўды, қаҳарманлардың ишки дүньясын күшейтип сўретлеўди, олардың психологиясына кирип барыў жолларын үйрендим. Әлбетте, жазыўшы тек бир ғана автордан үйренбейди, деген менен маған Шыңғыстың бергени көп. Мен оны көркем дәретіўшиликте Дж.Лондон, П.Мериме, Л.Толстой, М.Шолохов, М.Әуезов, Т.Қайыпбергеновлар менен бирге үлкен устаз санайман» деп жазған «Советтик Қырғызстан» газетасында (1982, 22-август).

Әдебиятшы Ж.Есенов жазыўшының «Шырашылар» Романындағы сюжетлик - композициялық сыпатлар да

Айтматовтың дәстүрлерине уқсас келетуғынлығын айтып өтеди [1].

Ш.Сейтов өз дәретіўшилигине Ш.Айтматовтың көркемлик тәжирийбелерин, қаҳарман образын ашып беріўдеги усыллардан, композиция қурыў, ўақыяны баянлаў усылларын дәретіўшилиқ пенен пайдаланған. Сонда Ш.Айтматов прозасында қандай усыллардан пайдаланды? Бул ҳаққында жазыўшының өз дәретіўшилиги туўралы жазған мақалаларында, автобиографиялық шығармаларында, сәўбетлеринде айтылады. Соның менен қатар, ең тийкарғысы, жазыўшы дәретіўшилигине илимий таллаў жүргизиў хәм ол туўралы жазылған илимий жумысларды үйрениў аркалы бул сораўларға жуўап табыў мүмкин.

Изертлеўлерде дыққат аўдарғанда, жазыўшы Ш.Айтматовтың шығармаларында тийкарғы қаҳарман сыпатында жас өспирим бала, жас жигит, кексе жас әўладлары таңланған хәм оларға байланысы ўақыялар өзлери тәрәпинен айтып берилген. Ўақыялар үшінши бетте қаҳарманлардың еске түсириўлери формасында беріў тийкарғы қаҳарманы әдеўир жасқа барып қалған ғарры образы сўретленген шығармаларына тән болады. Биз үйренбекши болған Ш.Айтматовтың «Боранлы бәндирги» романында кейинги баянлаў формасы қолланылған. Жазыўшының бул романы 1979-жылы рус тилинде басылған болса, қарақалпақ тилине Узакбай Пиржанов тәрәпинен аўдарылп, 1993-жылы «Қарақалпақстан» баспасынан «Боранлы бәндирги» деген ат пенен китап етип шығарылады.

«Көркем сюжет қурылысының тийкарғы усылларынан бири сыпатында ретроспекция өткен хәм хәзирги ўақыттың жанлы байланысын көрсетиў имканын бе-